

Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2022 йил 19 апрель
сешанба
№ 14 (1322)

www.hudud24.uz
insonvaqonun@adliya.uz
fb.com/hudud24official/
t.me/hudud24official/

hudud24
Endi 24 soat siz bilan!

- Энг сўнги хабарлар
- Ҳуқуқий маълумотлар
- Таҳлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар

Табиатни СЕВМАСЛИК инсон учун ўзига чоҳ қазиш билан баробардир



“Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар”.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 50-модда.

5-БЕТ

Жони қил устида турган ТИЛИМ БОР...

! ... Яна бир дилни ранжитадиган ҳолат — ижтимоий тармоқлардаги сўзлашувлар, “постлар”, уларга ёзилаётган изоҳлардаги хатоликлар. Бу бир қарашда оддий нарсадир, лекин шу тармоқларда ҳеч қандай имловий ва услубий меъёрларга амал қилмай ёзаётганимиз бора-бора шу хатоликларга кўникиб кетишимизга олиб келади.




3-БЕТ



Пайсалга солинган кадастр паспорти

■ НАРПАЙ туман адлия бўлими томонидан “Каттақўрғон қурилиш сифат” МЧЖнинг Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатаси Нарпай туман филиалининг хатти-ҳаракатидан норози бўлиб қилган мурожаати ўрганилди.

4-БЕТ



“ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ”ГА КЕЛГАН МУРОЖААТЛАРГА ЖАВОБЛАР

ХОДИМНИ ИШДАН БЎШАШИ ТЎҒРИСИДА ОГОҲЛАНТИРИШ МУДДАТИ ҚАНЧА?



— **ХОДИМ 19 февраль куни ёзган аризасига асосан 7 март куни ишдан бўшатилди. Меҳнат инспекцияси ҳолатни ўрганиб, ходим 9 март санасида бўшатилиши кераклигини ҳамда буйруқни ғайриқонуний деб топди. Огоҳлантириш муддати 14 кунми ёки 16 кун? Шу ҳолатда иш берувчи қонуний йўл тутганми?**

— Меҳнат кодексининг 99-моддасида ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам, икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақлидир. Огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг ходим

ишни тўхтатишга ҳақли, иш берувчи эса, ходимга меҳнат дафтарчасини бериши ва у билан ҳисоб-китоб қилиши шартлиги белгиланган.

Меҳнат кодексининг 13-моддасига биноан ушбу кодекс меҳнат ҳуқуқлари ва бурчларининг вужудга келиши ёки бекор бўлиши билан боғлайдиган муддатнинг ўтиши унинг бошланиши белгиланган календарь куннинг эртасидан эътиборан бошланади. Ушбу модданинг учинчи қисмига кўра, муддатнинг сўнгги куни ишланмайдиган кунга тўғри келса, ундан кейин келади биринчи иш куни муддат тугайдиган кун деб ҳисобланади.

Демак, ушбу ҳолатда ходимнинг огоҳлантириш хати 19 февралда берилган ҳамда унинг эртаси куни, яъни 20 февралдан огоҳлантириш муддати бошланади. Бироқ 20 февраль якшанба кунига тўғри келганлиги сабабли ходимнинг огоҳлантириш муддати 21 февралдан бошланади. Шундай ҳолатда муддатнинг охири куни — 8 март куни байрамга тўғри келганлиги сабабли ходимнинг огоҳлантириш муддати 9 март санасига тўғри келади.

НЕГА КОМПЕНСАЦИЯ ПУЛИ БЕРИШМАДИ?

— **8 йилдан буён Тиббиёт коллежида ишлар эдим. Коллеж техникумга айлантирилгач, мен билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди. Март ойида огоҳлантириш хати олганман. Лекин ўқув йили тугаганлиги учун дарс соатларимни тугатиш учун 1 июлгача ишладим. Меҳнат таътили учун пул, маошимни ҳам олдим. Август ойидан ишсиз қолдим. Туман Бандликка кўмаклашувчи марказида ишсизлар рўйхатига олиндим. Октябрь ойида компенсация пулини олиш учун борсам, аввалги иш жойимда биз компенсация пулини тўламаймиз, дейишди. Шу ҳолат қонунийми?**

— “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддасига асосан, ходим меҳнат шартномаси бекор қилинган Кундан бошлаб ўн календарь кун мобайнида маҳаллий меҳнат органида иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтса, маҳаллий меҳнат органи берган маълумотномага биноан учинчи ой учун ҳам олдинги иш жойидан ўртача иш ҳақи олиш ҳуқуқига эга.

Ходимга уч ой мобайнида мақбул келадиган иш топиб берилмаган тақдирда, у ишсиз деб эътироф этилади. Шу билан бир қаторда, меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин ўн кун ичида маҳал-



лий меҳнат органида рўйхатга олинган ва касби бўйича қайта ўқитилаётган ёки ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда малакасини ошираётган ходимларга ушбу қонуннинг мазкур моддаси саккизинчи қисмида ҳамда 26-моддасида назарда тутилган тартибда ва миқдорларда стипендия тўланади.

Бундан ташқари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар тугатилиши, ходимлар сони (штати) қисқартирилиши муносабати билан ишдан озод этилган, меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин ўн кун ичида меҳнат органларида рўйхатга олинган ҳамда касби бўйича қайта ўқитилаётган ёки ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда малакасини ошираётган ходимларга меҳнатга оид муносабатлар тўхтатилган кундан бошлаб дастлабки уч ой давомида олдинги ишидаги ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда стипендия тўланади.

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛГАНДА ҚАНДАЙ ТАЛАБЛАРГА РИОЯ ҚИЛИШ КЕРАК?

МУРОЖААТ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ ЛОЗИМ?

ЎЗБЕКИСТОН Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тегишли тартибда кўриб чиқилиши учун талаблар белгиланган.

Албатта, муурожаат қилишдан олдин биз муурожаатларнинг оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда бўлиши мумкинлигини ёдда сақлашимиз керак.

МАЪЛУМОТЛАРНИ ТЎЛИҚ ЁЗИНГ

Жисмоний шахснинг муурожаатида жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар, юридик шахснинг муурожаатида эса, юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.



Муурожаатни ўрганиш жараёнида фуқаронинг кимлиги ва кўрилатган масала айнан унга тааллуқли ёки тааллуқли эмаслигини билиш жуда ҳам муҳим ҳисобланади. Чунки, муурожаатда шахснинг шахсий маълумотлари ёки бошқа турдаги дахлсизлигига таъсир қилувчи ёки бошқа тарздаги ҳуқуқларини бузувчи ҳолатлар бўлиши мумкин. Шу боисдан ҳам, муурожаатда манзил ва муурожаатчи кимлигининг маълумлиги жуда ҳам муҳим.

МАНЗИЛНИ АНИҚ КЎРСАТИНГ



Жисмоний ва юридик шахснинг муурожаатида давлат органининг, ташкилотнинг аниқ номи, муурожаат юборилаётган мансабдор шахснинг лавозими ва (ёки) фамилияси (исми, отасининг исми) кўрсатилган, шунингдек, муурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Муурожаатнинг айнан кимга ёзилганлиги масаланинг қайси давлат органи ёки ташкилотларига тегишли эканлигини билиш имконини беради ва муурожаатчи манзилда адашмаганлигига ишонч ҳосил қилинади. Шу билан бирга, муурожаатнинг моҳияти баён этилиши жуда ҳам аҳамиятлидир. У орқали мансабдор шахс муурожаат мазмунини билиши мумкин. Бу эса, уни тегишлича ўрганишга имкон беради. Муурожаат мазмунига қараб, мансабдор шахс уни тааллуқлилигига кўра бошқа давлат органи ёки ташкилотига юбориши мумкин.

ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАРНИ ЁДДА ТУТИНГ!

Муурожаатларда муурожаат этувчиларнинг электрон почта манзили, алоқа телефонлари ва факс рақамлари кўрсатилиши мумкин. Муурожаатлар давлат тилида ва бошқа тилларда берилиши мумкин.



Электрон почта манзили, алоқа телефонлари ва факс рақамлари муурожаатчининг муурожаатига жавоб бериш учун ёки ўрганиш жараёнида муурожаат бўйича саволлар мавжуд бўлган тақдирда керак бўлиши мумкинлиги учун кўрсатилиши керак.

Муурожаатчи ўз муурожаатини хоҳлаган тилда беришга ҳақли ҳисобланади. Чунки, у чет эл фуқароси бўлиши мумкин. Ёки унинг бошқа тилда таълим олгани, чет тилида гапириши мумкинлиги инobatга олинади ва уларнинг муурожаат этиш ҳуқуқи шу орқали таъминланади.

ИСМ-ШАРИФИНГИЗНИ ТЎҒРИ ЁЗИНГ



Ёзма муурожаат муурожаат этувчи жисмоний шахснинг имзоси ёки муурожаат этувчи юридик шахс ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим. Жисмоний шахснинг ёзма муурожаатини муурожаат этувчининг имзоси билан тасдиқлашнинг имкони бўлмаган тақдирда, бу муурожаат уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) ҳам қўшимча равишда ёзиб қўйилиши керак.

Бу эса муурожаатнинг айнан муурожаат эгаси томонидан берилаётганлигига ишонч ҳосил қилиш имконини бериш билан бирга, давлат органи ва ташкилотларининг ортиқча вақти олинмаслиги имконини ҳам беради.

Шунингдек, муурожаат этувчиларнинг вакиллари орқали берилган муурожаатларга уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши белгиланганлигини ҳам инobatга олиш лозим.

Ҳурматли фуқаролар, ҳар қандай давлат органи ва ташкилотларига муурожаат қилишда ушбу қоидаларга асосан муурожаат қилишингизни сўраб қоламиз. Акс ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Қонунининг 29-моддасига асосан муурожаатингиз кўрсатилган қолдирилиши мумкин.

Саламат ТУРЕМУРАТОВ,
“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази масъул ходими

Ажнабий кўчалар ёхуд
хатолар, хатолар...

Юмуш билан ҳар куни кўчага чиқамиз: кимдир ишга, кимдир ўқишга... қаерга борманг, хатоларга, хорижий тилда ёзилган пешлавҳаларга кўзингиз тушади. “Ўз она тилимизда тўғри ёзишни билмай туриб, чет тилида реклама, афишалар чиқаришни ким кўйибди”, дейсиз беихтиёр. Аҳоли билан гавжум бўладиган кўчаларга кириб қолсангиз-ку тамом, адашиб қолишингиз аниқ. Бу кўча Ўзбекистондаги ёки АҚШда, дея ўзингизга ўзингиз савол берасиз. Чунки, кундан-кунга замонавийлашиб, чирой очиб бораётган кўчаларда ўзбекча сўз билан ёзилган пешлавҳаларни учратиш мушкул масала бўлиб қолди.

Юқоридаги каби ҳолатлар содир бўлишида қабул қилинган қонун ва қарорлардаги камчиликларнинг ҳам ўрни бор. Сабаби, 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Реклама тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасида ёзилишича, “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реклама Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида ёки реклама берувчининг хоҳишига кўра бошқа тилларда тарқатилади”, — дейилган. Шунинг учун ҳам бизда инсталганча ажнабий тилда реклама бериш, инсталган тилда ном кўйиш авж олган. Хўш, бунга ечим қандай?

Агар хорижий тиллардаги сўзлардан фойдаланишга маълум бир чеклов қўйилса, ўз она тилимиздаги сўзлардан фойдаланиш бирмунча кучайиши турган гап. Қолаверса, бу каби муаммоларни бартараф этишда фуқароларнинг фаоллиги ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Агар реклама пешлавҳаларидаги кўпол хатолар ҳақида хабар бериб, уларнинг тўғрилини талаб этилса, муаммо ечимда сезиларли ўзгариш киритган бўламиз. Аммо улар бундай ҳолатларда кимга ёки қаерга мурожаат этишлари керак? Реклама берувчи ёки реклама агентлиги хатоларга эътиборсизлик билан қараса, уни бартараф этиш учун ҳеч қандай чора кўрмаса, фуқаролар кимга шикоят қилиши мумкин?

Хатоларни бартараф этиш масаласига бундай эътиборсизлик билан қараган реклама берувчи шахс ёки реклама агентлигининг хатти-ҳаракатларини “менсимаслик” ёки “эътиборсизлик ва паст назар билан қараш” деб таърифлаб, уларни маъмурий жавобгарликка тортиш мумкинми? Демак, бу борада ҳам норматив ҳужжатларида нуксонлар мавжуд. Хулоса ўрнида шуни айтгимиз: “Реклама-ларда давлат тилини ишлатишда хатоларнинг олдини олиш на “Давлат тили тўғрисида”ги Қонунда ва на “Реклама тўғрисида”ги Қонунда тартибга солинган. Рекламали ёзув тахталарида учраб турадиган кўпол имло хатолари учун ким жавобгар? Реклама берувчиси ёки реклама агентлиги? Шу каби саволларга жавоб топилмайди.

Устознинг айтганини
қил, қилганини
қилма(ми?)

Келинг, бироз тасаввуримизни ишга соламиз. Ўқитувчи деганда биринчи бўлиб ҳаёлингизда ким гавдаланади? Бу, албатта, чиройли

БИР неча йиллардан буён мамлакатимизда хорижий тилларга, айниқса, инглиз тилига бўлган эътибор жуда кучайди. Одамлар ўз тили қолиб бошқа тилларни ўрганишга “қаттиқ бел боғлади” шекилли, қаерга борманг, ажнабий шевада айтилган гапларни эшитишга қулоғимиз, ҳеч бир имло қоидаларига бўйсунмаган ёки умуман бизга ёт бўлган тилда ёзилган ёзувларни кўришга кўзимиз кўникиб қолди.

ЖОНИ ҚИЛ УСТИДА ТУРГАН
ТИЛИМ БОР...

Яна бир дилни ранжитадиган ҳолат — ижтимоий тармоқлардаги сўзлашувлар, “постлар”, уларга ёзилаётган изоҳлардаги хатоликлар. Бу бир қарашда оддий нарсадир, лекин шу тармоқларда ҳеч қандай имловий ва услубий метёрларга амал қилмай ёзаётганимиз бора-бора шу хатоликларга кўникиб кетишимизга олиб келади.

Кийинган, классик формадаги, қўлида папкаси бор, зиёли бир инсон. Бизнингча, фикрларимиз бир жойдан чиқди!? Аммо, бугун ўқитувчиларимизнинг ҳаммаси ҳам бундай эмас. Чунки айрим ўқитувчиларнинг кийиниши маданияти ҳам, ўзини дарсда қандай тутиши ҳам ўзгариб қолган. Ҳозир биз унинг юриш-туриши, кийиниши ҳақида гапирмоқчи эмасмиз. Мавзудан четлашмаган ҳолда уларнинг она тилимизга бўлган муносабати ҳақида фикрлашмоқчимиз. Бу “оммавий маданият” деганлари қандай бало экан, яқиндагина бакалавриятни тамомлаган “домла”ларни қўяверинг, илмий даражаларни ёқлаган, бир неча ўн йиллик тажрибага эга устозларни ҳам ўз домига тортиб кетмоқда.

Дарс пайтида ўқитувчиларни кўп кузатаман. Уларни дарс жараёнидан қандай сўзлардан фойдалаётгани, сўзларни ўринли ёки ўринсиз қўллаётгани ҳақида мулоҳазалар юритаман. Деярли ҳар доим фикрларим салбий бўлади. Нега дейсизми? Оддийгина бир мисол (бу ҳол сизда ҳам бўлган), ўқитувчилар дарс давомида жуда кўп хорижий тиллардаги, айниқса, рус тили ва инглиз тилидаги сўзларни кўп қўллайди. Аниқроқ қилиб айтганим бўлса, собиқ иттифок даври ўқитувчиси рус тилида, ҳозирги замон ўқитувчиси инглиз тилидаги сўзлардан фойдаланади. Рус ва инглиз тилидаги сўзларни асосан шаҳар жойларидаги ўқитувчилар ишлатади. Қишлоқларда эса бу ҳолат бошқачароқ, айрим “шаҳарлик, катта” ўқитувчиларнинг фикрича улар шевага хос сўзлардан фойдаланишади (ўзи ўзбек бўла туриб инглиз ёки рус тилида гапиргандан кўра шевада сўзлаган яхшироқ, бу албатта, шахсий фикр). Сизни билмадикку, лекин бу ҳолат бизни асаб толаларимизни тебратиб ўтади. Сабаб, соф, чиройли, сўзларга бой она тилимиз турганда бошқа тиллардан фойдаланишининг нима кераги бор?

Рус тилини билсанг,
ишинг “беш”

Давлат тилининг қадрсизланиб бораётганига яна бир сабаб давлат идораларида ишлаётган аксарият кадрларнинг ўзбек тилини билмаслиги ва норматив ҳужжатларнинг айримлари рус тилида ишлаб

чиқилишидир. Қабул қилинган қонун талабига кўра, давлат идораларида ишлаб, ўзбек тилини билмайдиган бошқа миллат вакилларида давлат тилини ўрганишлари учун берилган муддат ўтиб кетганига қарамасдан, ҳамон ўз лавозимларида ишлаётганлари, ҳаттоки миллати ўзбек бўла туриб ўзбек тилини билмайдиган раҳбар ва мутасаддиларнинг ҳеч қандай чекловларсиз давлат органларида фаолият юритишлари оdatий ҳолга айланади қолди.

Давлат идораларига ёки оддий бошқа маиший соҳаларда бўш иш ўринлари учун берилган эълонларга эътибор берсангиз, деярли барчасида “рус тили ва инглиз тилларини билиш шарт”, деган яқунга дуч келасиз. Майли, ҳеч бўлмаса битта хорижий тилни билиш керак, лекин рус тили ва инглиз тилини билар экан деб ўзбек тилини билмайдиган ходимни ишга олиш ҳам она тилимизга нисбатан хурматсизликдир.

Хукукий ҳужжатларга келсак, “Давлат тили тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бошқа ҳужжатлари давлат тилида қабул қилинади ва эълон қилинади”, дея зикр этилган. Лекин шунга қарамай, Қонуннинг мазкур моддаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан кўп ҳолларда бузилаётганини кузатиш мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) топилган қонун ҳужжатларининг баъзилари фақат рус тилида мавжуд эканлигини кўриш мумкин.

“Ватанга муҳаббат”
ҳам сотиладимиз?
“I ♥ Tashkent”

Водийдан Тошкентга киришда катта ҳарфлар билан “TASHKENT” деб ёзиб қўйибди. Борар маконим водий бўлгани сабаб шу ёзувга кўзим тез-тез туриб туради. Лекин шу кунгача Тошкент деб келинаётган шаҳар бирдан “Ташкент” бўлиб ўзгариб қолганига ҳали-ҳамон тушунмайман. Русча ёзилганми деб ўйлайман баъзан, лекин ҳарфлар лотин алифбосида. Ёки инглизчами бу? Инглизча бўлса, бу “тилмочлар” ёнига “welcome to”ни

ҳам қўшиб қўйишар эди... ҳар не бўлганда ҳам ўзимизни “Тошкент” яхши эди.

Бундан бир неча йиллар аввал пойтахтимизда “I ♥ Tashkent” деган ёзувлар пайдо бўлди. Кейинчалик қуш уясида кўрганини қилади, деганларидек, Тошкент шаҳрининг барча туманлари ҳам шу тахлитда ўз туманларига “муҳаббатларини изхор қилишди”. Бу шармандаликни ҳазм қилмасимиздан вилоятлар ҳам ота изидан боришди.

Уятмасми ахир? Кўчирма-кашлик бўлганида ҳам алам қилмасди. “Ўзбек бренди” дея жар соляпимиз-ку, амалига келганда эса яна хориждан кўчириш, яна бошқа тилдан сўз олишдан ўзимизни тия олмаяпмиз. Бу ҳақда гап борганда ёшу қарининг топиб олган бир гапи бор: “чет тилидаги номлар жарангдор-да”. Ўзимизда бундай сўзлар йўқми? Бор, албатта. Яна бир баҳона: “...Уларда оддий бир сўз бренд даражасига кўтарилган”. Биз ҳам соф ўзбекча бир сўзни қайта-қайта тақрорлайверсак, ўша номдан кўп марта фойдалансак, у ҳам бренд даражасига кўтарилди. Ўзингиз ўйланг, биз чет тилларидаги сўзлардан фойдаланишдан тўхтамасак, қачон миллий брендимизга эга бўламиз?

Чегара бўлиши керак
эмасми?

Она тили дарслигида шундай қоида бор: “Янги сўз ҳосил қилишнинг уч асосий тури мавжуд. Булар, икки ёки ундан ортик сўзни бир-бирига қўшиб орқали, сўз ясовчи қўшимчаларни қўшиб орқали ва сўнгисини неологизмлар, яъни чет тилидан атама ёки сўзларни ўзлаштириш орқали”. Она тилимизни хавф остида қолдираётган нарса айнан шу учинчи тур билан боғлиқ ҳодисалардир. Хўш, муаммо нимада? Тил тўғрисида қабул қилинган ҳеч бир қонун ҳужжатларида хорижий тиллардан киритиладиган сўзларга меъёр белгиланмаган. Шунинг учун ҳам тақлидни яхши кўрадиган халқимиз чет тилидан инсталганча сўз “қўшиб” олмақда. Бу каби ўзлашма сўзларнинг тез суръатларда кириб келиши илм-фанга



Жасур ТОЖИБОЕВ,
“Инсон ва қонун” муҳбири

тааллуқли атамаларда ҳам кўп кузатилмоқда. Топилган баҳона: “бу атамада, “термин” таржима қилинмайди”. Ахир, ўша “термин”нинг ҳам ўзбекча муқобили мавжуд-ку! Хориж тажрибасига таянадиган бўлсак, дунёнинг ривожланган давлатларида, хусусан, Францияда чет тилдан кириб келган сўзларни ўзлаштиришда меъёрли қоидалар белгилаб қўйилган. Яъни, маърузачи ўз маърузасида чет тилидаги сўзлардан 4-5 фойиз миқдордагина фойдаланиши мумкин.

Ушбу мавзуга хулоса ўрнида ҳаётини бир мисолни келтирмоқчиман. Бир танишим бўлар эди. Дунёқарашларимиз бир-бирига умуман тўғри келмасди. Бизнингча, бунга тамомила бошқача бўлган онавий муҳит сабаб бўлса керак. Ўша танишимнинг тилидан Россия, Англия, АҚШ каби давлатлар тушмасди. Сўзлаганда ҳам русча аралаштириб гапирарди, жамиятимиздаги юқоридагидек қусурлар ҳақида гапирарди, энасини котириб: “...Оммавий маданият бу, ривожланиш керак” дея ўзини оқларди. Ўйлаб қолардим, агар шундай ёшлар бир кун келиб ҳокимият тепасига ўтирса, ўзи шундоқ ҳам жони қил устида турган она тилимиз тамомила йўқ бўлиб кетади.

Тўғри, бугунги кунда замон билан ҳамнафас бўлиш, ривожланиш учун чет тилларини ўрганиш, дунё кўриш, тажриба алмашиш керак, албатта, лекин бу дегани ўз тилимиз қолиб бошқа мамлакат тилини севиш, унинг маданиятини миллат онгига сингдириш керак, дегани эмас. Ёмонини четга суриб, яхшисини ўрганиш керак ҳолос. Инсон, энг аввало, ўзи туғилиб-ўсган Ватанини, унинг қадрятларини, урф-одатларини, тупроғини, сувини, ҳамма-ҳаммасини севиб, ардоқлаши керак. Шундагина миллатнинг дини, тили, маънавияти бузилмайди.



ҚОРАҚАЛПОФИСТОН

**ТИББИЁТ
БИРЛАШМАСИДАН
ХОДИМЛАРНИНГ
ҲАҚКИ УНДИРИЛДИ**

БЕРУНИЙ тумани тиббиёт бирлашмасида меҳнат қилаётган 66 нафар шифокор ва бошқа тиббиёт ходимлари пандемия шароитида коронавирус инфекцияси билан гумон қилинган ва касалланган беморларни даволаш учун жалб қилинган. Кунига 12 соатлик иш режимида ишлаган бўлишса-да, уларга 8 соат учун махсус рағбатлантириш тўлови ҳисобланган. Бундан норози бўлган тиббиёт ходимлари рағбатлантириш тўловини ундиришда амалий ёрдам беришни сўраб, туман адлия бўлимига мурожаат қилган.

Мурожаат ўрганилганда, ҳақиқатан ҳам пандемия шароитида Беруний педагогика коллежида ташкил қилинган тиббий тақсимлаш пунктида тиббиёт ходимлари кунига 12 соатлик иш режимида ишлаганлиги қарамасдан, бирлашма томонидан уларга 8 соатдан махсус тўлов ҳисобланган, тўланганлиги аниқланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган “Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволаш объектларида ҳамда коронавирус инфекциясини аниқлаш лабораторияларида фаолият олиб бораётган ходимларга махсус рағбатлантириш тўловларини тўлаш

тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, ходимларга иш ҳажмидан келиб чиқиб, ҳар ойлик иш фаолияти якуни бўйича врач ходимларга, врач-лаборантларга — 25 миллион сўм, бошқарув ва ўрта тиббиёт ходимларига, ҳамшира-лаборантларга — 15 миллион сўм, провизор-фармацевт ходимларга — 10 миллион сўм, дезинфектор ва кичик тиббиёт ходимларига — 8 миллион сўм, бошқа ходимларга — 5 миллион сўм миқдорида (солиқлардан ташқари) махсус тўлов белгиланган.

240 соатлик иш юкломаларини тўлиқ бажарган ходимларга ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатилган миқдорларда махсус тўловлар тўланади.

Юқоридагиларга асосан туман адлия бўлими томонидан 66 нафар шифокор ва бошқа тиббиёт ходимлари манфаатини кўзлаб, махсус рағбатлантириш тўлов пуллари ҳақиқатда ишлаган соати бўйича тўлиқ ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Беруний туманлараро судига даъво аризаси киритилди ва адлия аралашуви билан туман тиббиёт бирлашмасининг 66 нафар тиббиёт ходимига 489 миллион 666 минг 141 сўм миқдорда махсус тўловни ундириш бўйича суднинг ҳал қилув қарори чиқарилди.

**Салтанат РАИМБЕКОВА,
Беруний туман адлия бўлими бошлиғи**



БУХОРО

ПЕШКУ туманидаги умумтаълим мактабларида фаолият юритаётган 20 нафар рус тили фани ўқитувчиси хорижий тилларни билиш даражасини белгилувчи миллий ва халқаро тан олинган сертификатга эга бўлса-да, уларнинг ойлик маошига 50 фоиз устама кўшиб берилмаган.

УСТАМАДАН ҚУРУҚ ҚОЛГАН УСТОЗЛАР

Ўқитувчилар ўзларига тегишли бўлган устамаларни ундириб беришда амалий ёрдам беришни сўраб туман адлия бўлимига мурожаат қилган. Ўрганиш жараёнида Президентимизнинг 2021 йил 19 майдаги “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан, чет тили ўқитувчиларига бериладиган устамалар тўланмаётганлиги маълум бўлди.

Мазкур мурожаатни ижобий ҳал этиш мақсадида адлия бўлими томонидан ўқитувчиларнинг манфаатини кўзлаб фуқаролик ишлари бўйича Пешку туманлараро судига суд буйруғи тартибидан ариза киритилиб, Пешку туман Халқ таълими бўлимидан 20 нафар рус тили ўқитувчисининг 130 миллион 673 минг 600 сўмлик устама ҳақлари ундириб берилди.

**Ахтам УМАРОВ,
Пешку туман адлия бўлими бошлиғи**



СИРДАРЁ

ОЛИМЖОН Ражабов узоқ йиллар вилоят сув ҳўжжати тизимида ҳалол меҳнат қилди. Нафақага чиқиб, энди бемалол дам оламан, деб ўйлаганди. Афсуски, бир муаммога дуч келиб, барча орзулари чип-пакка чиқди.

БЕШ ЙИЛГА ЧЎЗИЛГАН КОМПЕНСАЦИЯ ПУЛИ...



Гап шундаки, унга тегишли бўлган низоли нотурар жой 2016 йилда Гулистон шаҳар ҳўкимлиги томонидан давлат ва жамият эҳтиёжлари учун олиниб, бузиб ташлангандан буён овраю сарсон. Бузиб ташланган жой учун зарур ҳўжжатлар ҳўкимликка тақдим этилган бўлишига қарамасдан, 563 миллион 633 минг 845 сўм компенсация пули тўлаб берилмаган. О.Ражабов 5 йил давомида ҳўкимликдан бир неча бор ҳаққини талаб қилди, афсуски, ижобий натижа чиқмади. Шундан сўнг шаҳар адлия бўлимига мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Шаҳар адлия бўлими томонидан иш ҳолатлари ўрганилиб, нотурар жой бузилганлиги билан боғлиқ ҳўжжатлар илова қилинган ҳолда фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судига даъво аризаси киритилди ва суднинг 2021 йил 6 декабрдаги қарори билан даъво қаноатлантирилди.

Ушбу масала бўйича суд қарори ижрога қаратилиб, 2022 йилнинг 31 мартда жамғарманинг вилоят молия бошқармаси фазначилик бўлими томонидан О.Ражабовга 563 миллион 633 минг 845 сўм компенсация пули тўлаб берилди.

**Назар ҚАРШИБОВ,
Гулистон шаҳар адлия бўлими бошлиғи**



САМАРҚАНД

КАТТАҚЎРҒОН шаҳар, “Олмазор” кўчасида яшовчи фуқаро С.Турсунов “Ўзагросуғурта” Самарқанд вилоят филиалида ишлаб нафақага чиққан. Аммо ишлаган иш ҳақи ҳисоб-китоб қилинмасдан қолиб кетган. Бундан норози бўлган фуқаро Самарқанд вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилган. Мазкур мурожаат Каттақўрғон шаҳар адлия бўлими томонидан ўрганиб чиқилди.

НАФАҚАГА ЧИҚАЁТГАН ХОДИМГА ИШ ҲАҚИ ТЎЛАНМАЙДИ...МИ?



Ўрганиш давомида “Ўзагросуғурта” Самарқанд вилоят филиалининг 2021 йил 27 сентябрдаги буйруғига асосан фуқаро С.Турсунов билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 99-моддасига асосан ўз ташаббуси билан бекор қилинган.

Меҳнат кодексининг 110-моддаси иккинчи қисмида, меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббуси билан бекор қилинганда, унга тегишли иш ҳақи, унинг миқдори хусусида низо бўлмаса — қонун бўйича ёки шартномага мувофиқ меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида иш берувчини огоҳлантириши шарт бўлган ходимга, огоҳлантиришига кўра у ишни ташлаб кетишга ҳақи бўлган кундан кечиктирмасдан, меҳнат шартномасини бекор қилиши ҳақида иш берувчини огоҳлантириши шарт бўлмаган ходимга эса, ишдан кетган кунининг эртасидан кечиктирмасдан тўланиши лозимлиги белгиланган.

Шунингдек, Меҳнат кодексининг 154-моддасига кўра, иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ тўлаши шарт эканлиги кўрсатилган.

Юқоридагиларга асосан, шаҳар адлия бўлими томонидан киритилган тақдимномага кўра, “Ўзагросуғурта” Самарқанд вилоят филиали томонидан фуқаро С.Турсуновга тўланмасдан келинган 15 миллион 795 минг 68 сўм иш ҳақи ва бошқа тўловлар тўлаб берилиши таъминланди.

**Фарҳод ЗАРИФОВ,
Каттақўрғон шаҳар адлия бўлими бошлиғи**



САМАРҚАНД

Пайсалга солинган кадастр паспорти



НАРПАЙ туман адлия бўлими томонидан “Каттақўрғон қурилиш сифат” МЧЖнинг Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатаси Нарпай туман филиалининг хатти-ҳаракатидан норози бўлиб қилган мурожаати ўрганилди.

Ўрганиш жараёнида 2021 йил 22 июлдаги қурилиши тугалланган нотурар бино ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш ҳақидаги далолатномада “Каттақўрғон қурилиш сифат” МЧЖга тегишли бўлган “Деҳқонобод” деҳқон бозори МЧЖ ҳудудида жойлашган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биносига кадастр паспортини бериш Давлат кадастрлари палатасининг Нарпай туман филиали томонидан рад этилганлиги маълум бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 2 сентябрдаги 535-сонли қарори билан тасдиқланган “Кўчмас мулк объектига кадастр паспортини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг Маъмурий регламенти” 23-бандига мувофиқ қуйидагилар кадастр паспорти беришни рад этиш учун асос бўлади: сўровномада нотўғри маълумотлар кўрсатилиши; кўчмас мулк объектларига бўлган ҳўқуқларни тасдиқловчи ҳўжжатлар мавжуд эмаслиги; ариза берувчи ёки унинг вакили келишилган манзилда бўлмаган тақдирда; ваколатли орган томонидан кадастр паспортини расмийлаштириш бўйича кўчмас мулк объектга таъ-

қиқ ёки хатлов қўйилганлиги. Мазкур бандга биноан кадастр паспортини расмийлаштиришни ушбу бандда кўрсатилмаган асослар бўйича рад этиш қатъиян тақиқланади.

Шунга қарамасдан, “Каттақўрғон қурилиш сифат” МЧЖ томонидан тақдим этилган ҳўжжатларда юқоридаги рад этиш асослари мавжуд бўлма-са-да, Давлат кадастрлари палатасининг Нарпай туман филиали томонидан асосиз рад этилган.

Юқорида қайд этилган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш мақсадида туман адлия бўлими томонидан Самарқанд туманлараро маъмурий судига даъво аризаси киритилиб, суднинг 2022 йил 3 мартдаги ҳал қилув қарорига асосан Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси Нарпай туман филиалининг хатти-ҳаракати ноқонуний деб топилди ҳамда тегишли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биносига кадастр паспортини шакллантириш мажбурияти юклатилди.

**Жасурбек ҚИЛИЧЕВ,
Нарпай туман адлия бўлими бошлиғи**

Она табиатга нисбатан беписанд муносабатимиз бугун "шаклангани" йўқ. Айтайлик, ўтган асрнинг иккинчи ярмида авжига чиққан пахта якка ҳокимлиги туфайли Сирдарё ва Амударёнинг сувидан кўр-кўрона фойдаландик. Аниқроғи, бу икки азим дарёнинг ўзанини ўзгартиришга уринганимиз, сувини чексиз исроф қилганимиз боис қуйи оқими-га боргунча улардаги сувнинг ярми ҳам қолмади. Оқибатда бугун миллиардлаб маблағ сарфласак-да ўрнига келмайдиган Орол муаммоси юзага келди. Аниқроғи, салкам ярим асрдан бери денгиз биздан "ўчини олмоқда". Айни глобал муаммо минтақа аҳолисига қанчалар азият етказгани ҳеч биримизга сир эмас.

Табиатни СЕВМАСЛИК

Инсон учун ўзига чоҳ қазиш билан баробардир

Сўнгги йилларда — 2018 йилдан буён Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан денгизнинг қуриган тубига — 1 миллион 524 минг гектар майдонга саксовул, қорабўроқ, қандим, черкез каби чўл ўсимликлари экилиб, тўқайзор барпо этилди. Бошқа бир нуқтасида эса ер ости суви чиқарилиши натижасида кўллар ҳосил бўлиб, Оролга қушлар, турли жонзотлар қайтмоқда. Бу эзгу ишлар ҳозир ҳам давом этмоқда.

Кези келганда бундан ўттиз йилча муқаддам — ўқувчилик пайтида гувоҳ бўлган бир воқеани эсга олмоқчиман. Қишлоғимизнинг юқори қисмидан Шимолий Фарғона канали оқиб ўтади. Бир куни каналнинг Говасой тагидан ўтувчи қисми — дукур (каналнинг сой тагидан ўтувчи қисми шундай деб аталади)нинг ёнидан ўтиб қолдим. Қарасам, сувнинг сой остидан чиқадиган жойида ҳосил бўлган гирдоб оқиб келган чикиндиларни чунонам қалин тўплабдики, ҳатто устига одам чиқса, бемалол кўтарилган даражага етибди. Баъзан катта-кичик хайвонларнинг ўлиги ҳам оқиб келарди. Ўшанда одамларнинг сувни бу қадар ифлослантиришдан қаттиқ ранжигандим. Негаки, каналнинг юқори қисми ерларидаги экинларимизни насослар орқали чиққан сув билан суғориш асосида чанқогимизни ана шу обихаёт қондирадди-да.

Пойтахтимиз аҳли яхши билди — яқин йилларгача шаҳарни кесиб ўтувчи Бўзсув канали бўйини бир нечта ноқонуний қурилмалар эгаллаганди. Энг ачинарлиси, айрим юртдошларимиз уй хайвонлари чикиндисини ҳам каналга оқизишарди. Буни ҳамма кўриб билса-да, ҳеч ким лом-мим деёлмасди. Давлатимиз раҳбарининг топшириғи асосида бу аянчли ҳолатларга чек қўйилди. Бўзсув бўйлари ободонлаштирилиб, кишилар бемалол сайр қилиб, хордик чиқарадиган масканларга айлантирилди.

Аммо Чирчиқ ва Зарафшон дарёлари соҳилларида сувни ифлослантириш билан боғлиқ, дилни хуфтон қиладиган нохуш манзаралар ҳанузгача учрайди. Ахир, дарёлар, каналлар, анҳорлар, сой ва ариқларимиздаги сув тирикчилигимиз, ризку рўзимиз манбаи-ку. Наҳотки, ундан исроф қилмай, булгамай, рисоладагидек фойдала-

ниш шунчалик кийин бўлса?

Маълумотларга кўра, 2019 йилда Ўзбекистон Жаҳон ресурслари институти (World Resource Institute) томонидан эълон қилинган сув стрессидан азият чекаётган давлатлар рейтингига 164 мамлакат орасида 25-ўринни эгаллади. Марказий Осиё минтақасида эса мамлакатимиз сув тақчиллиги бўйича Туркменистондан кейинги ўринда туради. Қўшниларимиз — Қирғизистон, Тожикистон ва Қозғистон эса юқоридаги рейтингда мос равишда 38, 51, 60-поғонани банд этишган. Шундай экан, биз нафақат сувнинг мусоффолигини асрашимиз, балки ундан оқилана, тежаб-тергаб фойдаланишимиз ҳам зарур. Аксинча, айни пайтдаги сув тақчиллиги ошса ошадик, лекин қамаймайди.

УЛАР БИЗНИ АСРАЙДИЛАР

Болалигимдан она табиатга, унинг гўзал манзараларига ошиқ бўлганим боис мактабда бошқа фанлар қатори "Ботаника" ва "Зоология" фанларидан аъло баҳога ўқиганман. Ўшанда ўқитувчимиз Хосиятхон Нишонбоева дарахтлар ҳаводаги карбонат ангидрид ва чанг-тўзонларни ютиб, ўрнига кислородни чиқаришини, шу боис улар қушлар каби бизнинг дўстларимиз эканлигини бизга содда қилиб тушунтирган. Бинобарин, барк уриб ўсаётган дарахтларни, азим чинорларни, кишин-ёзин яшиллигини йўқотмайдиган арчаларни, боғу роғларни жуда яхши кўраман.

2021 йил 30 декабрь куни давлатимиз раҳбарининг "Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Унга кўра, давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига мораторийнинг амал қилиши муддатсиз даврга узайтирилди. Мораторий даврида амалдаги чеклов ва мажбуриятлар билан бирга қўшимча равишда ҳуқуқбузарларга мораторий талабларини бузганлик учун маъмурий жарималар миқдори 5 бараварга, дарахтлар ва буталарни ноқонуний кесиш ва шикастлантириш билан ўсимлик дунёсига етказилган зарар учун ундириш

суммалари 2 бараварга оширилган ҳолда қўлланилади. Лекин шунга қарамай, 2022 йил 13-15 январь кунлари Қарши давлат университетида 38 туп, 15 январдан 16 январга ўтар кечаси эса Андижон вилояти перина-тал маркази ҳудудида Элдор қарағайи (Pinus eldarica) навли 12 туп дарахтлар қонунга хилоф равишда кесиб юборилганлигини қандай тушуниш мумкин?

Аён бўлишича, Қарши давлат университети томонидан Ягона давлат интерактив хизматлари портали орқали давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтларни кесиш учун уч маротаба мурожаат қилинган. Аммо Қашқадарё вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси мазкур мурожаатларга рад жавобини берган бўлса-да, дарахтлар ноқонуний равишда кесиб ташланган. Оқибатда ўсимлик дунёсига 267 миллион 543 минг сўм миқдорида зарар етказилгани аниқланиб, ҳуқуқбузарликка оид материаллар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этилган. Андижондаги ҳолат бўйича эса табиатга етказилган зарар 115,5 миллион сўмни ташкил қилган. Бинобарин, Андижон шаҳар ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Ғ.Ш.га нисбатан Жиноят кодексининг 198-моддаси иккинчи қисми билан жиноят иши қўзғатилган.

Ёки жорий йилнинг 10 март куни Қўқон шаҳрининг "Ширин" маҳалласи ҳудудида фуқаро Б.Қ. 3 туп чинор дарахтини ҳеч бир руҳсатсиз, ўзбошимчалик билан кесиб ташлаб, она табиатга 103 миллион 950 минг сўмлик зарар етказган. Шу боис унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 79-моддаси 1-қисмига асосан базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баробари — 1 миллион 350 минг сўм миқдорида жарима жазоси қўлланилган.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Шу ўринда

мен дов-дарахтларни ноқонуний равишда кесаётганларга, аниқроғи, ҳуқуқбузарларга буйруқ берган мансабдор шахсларга пойтахтимизнинг Сергели тумани "Нурхаёт" маҳалласи масъулларидан ўрناق олишларини тавсия этган бўлардим.



Суратдаги пиёдалар йўлагига ўртасидаги ёш арча дарахти ана шу маҳаллада жойлашган. Ваҳоланки, мазкур маҳалла оқсоқоли "Йўлакнинг ўртасига тўғри келиб қолди, пиёдаларга ҳалал берар экан" деган ваз бирлар арчани кестириб ташлаши ҳам мумкин эди. Мана, дарахтларга, табиатга нисбатан дўстона муносабат!

Эътироф этиш керак, Президентимизнинг юқоридаги фармони мувофиқ, айни пайтда мамлакатимиз миқёсида дарахтзорларни кўпайтиришга қаратилган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси амалга оширилмоқда. Яъни, ҳозир республикамизнинг қай бир ҳудудига борманг, миллионлаб дарахт кўчатлари, терак қаламчалари экилгани, экилаётганига гувоҳ бўласиз. Ҳадемай ўша ниҳоллар бизга

қанчалар ҳузур бахш этишини ўйлаб, кўнглингиз ёришади. Энг муҳими, бу лойиҳа ёшларнинг, ўсиб келаётган фарзандларимизнинг она табиатга нисбатан муҳаббатини, атроф-муҳит мусоффолигига бўлган масъулиятини, экологик маданиятини оширади. Улар учун ибрат мактаби вазифасини ҳам ўтайди. Бироқ лойиҳа доирасида айрим ҳудудларда ҳали ҳам ишлар номигагина ташкил этилиб, кўзбўямачилик давом этаётгани, жумладан жойларда ҳақиқатда экилмаган жами 5 миллион туп кўчатларни ҳисоботда қўшиб ёзиш ҳолатлари борлигини 2022 йил 7 апрел куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида танқид остига олди Юртбошимиз.

БИР ЮТУМ ҲАВОНИНГ БАҲОСИ ЙЎҚ

Жорий йилнинг 10 апрелидан республикамиз ҳудудида "Тоза ҳаво" ойлিғи бошланган. Ҳар йили икки босқичда ташкил этиладиган мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўми-

таси, Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилмоқда. Ундан кўзланган асосий мақсад, автотранспорт воситаларидан атроф-муҳитга етказилаётган зарарли таъсирларни камайтиришга, шунингдек атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга қаратилган қонунчилик талабларига риоя қилинишига йўналтирилган. Тадбир давомида автотранспорт воситаларидан ташланаётган зарарли газларнинг токсиклик даражаси ва тутун қалинлиги бевосита махсус асбоблардан фойдаланилган ҳолда ўлчаш йўли билан назоратдан ўтказилади. Олинган натижалар давлат стандартларида белгиланган меъёрларга солиштирилади. Ўрнатилган меъёрлардан ортик чиқиш ҳолатлари юзага келган тақдирда, уларга нисбатан қонунчиликда ўрнатилган тартибда таъсир чоралари кўрилади.

ШУНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШ ЛОЗИМКИ, ҲАВОНИНГ ТОЗАЛИГИ НАФАҚАТ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИДАН ЧИҚАЁТГАН ЗАРАРЛИ ТАЪСИРЛАРГА, БАЛКИ ҲАР БИРИМИЗНИНГ ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТИМИЗГА, ОНА ТАБИАТНИ НЕЧОҒЛИК СЕВИШИМИЗГА ҲАМ БОҒЛИҚ.

Шундай экан, биз ҳам сув ҳавзаларини ифлослантирмай, чикиндиларни дуч келган ерга улоқтирмай, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳеч йўқса бир туп кўчат экиб ёки беш-ўнга қаламчаларни ерга қадаб бўлса-да, тирикчилигимиз манбаан саналган ҳавонинг мусоффолигига ўз ҳиссамизни қўшишимиз мумкин-ку.

Одатда биз Бош қомусимиз ҳамда амалдаги қонунларда қайд этилган ҳуқуқ ва эркинликларимизни талаб қилишни, улардан фойдаланишни яхши биламиз, аммо зиммамиздаги фуқаролик бурчларимизни унутиб қўямиз. Тўғрироғи, бажаришни истамай-миз. Ана шулардан бири Конституцияимизнинг 50-моддасида белгиланган атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбур эканлигимиздир. Бу мажбуриятимиз ҳусусида фарзандларимизга ҳам тез-тез ёслашиб туришимиз шарт. Зеро, она табиатга муҳаббат ҳамда экологик маданият оилада шаклланади.

Хуршид СУЛТОНОВ,
"Инсон ва қонун" муҳбири

ПАРКЕНТ туманида яшовчи, 4-сонли умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси З.Қосимова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) номига почтадан хат келади. Табиийки, у хатни очиб ўқийди. "Ўзсаноатқурилишбанк" амалиёт бошқармаси томонидан жўнатилган огоҳлантириш хатида кредит шартномаси асосида 15 миллион 609 минг сўм пул маблағи ажратилганлиги, бироқ ушбу кредит қарздорлиги сўндирилмаганлиги сабабли тўлаши лозимлиги ёзилган эди. Ўқитувчи ҳайрон бўлди. Эҳтимол, адашиб жўнатишгандир, ўйлади у. Орадан маълум муддат ўтгач, шундай "мактуб" яна келди. З.Қосимова масалага ойдинлик киритиш мақсадида йўлга чиқади. Тошкент шаҳар Юнусобод туманида жойлашган "Ўзсаноатқурилишбанк" амалиёт бошқармасига боради. Банк ходимларига хатни кўрсатади.

БАНКДАН КЕЛГАН МАКТУБ...



— Опа, сизнинг номингизга кредит олинган. Кредит суммаси пластик картангизга ташлаб берилган.

— Бўлиши мумкин эмас, — деди З.Қосимова жаҳли чиқиб. — Мен ҳеч қачон кредит олмаганман. Банкка ҳам келган эмасман.

— Агар сиз кредит олмаган бўлсангиз, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилинг.

Шундан сўнг З.Қосимова Тошкент шаҳар прокуратурасига ариза ёзади.

З.Қосимовага ўхшаш "мактуб" олганлар сони анча кўп экан. Бирининг номига 19 миллион 500 минг сўм, иккинчисининг номига 29 миллион 319 минг сўм, учинчисининг номига 12 миллион 996 минг сўм, ҳуллас, жами 178 миллион 73 минг сўм қалбаки ҳужжат асосида кредит олинган.

Текширишларда аниқландики, Паркент туманида яшовчи Э.Юсупов "Javohir Hurshidbek" ва "Есо markaz shop" МЧЖнинг таъсисчиси ва раҳбари лавозимида ишлаб келиб, ғайриқонуний йўллар билан қўлга киритилган ўзгаларнинг паспорт нусхаларидан фойдаланиб режасини амалга оширган. 36 нафар фуқарони МЧЖнинг ишчи-ҳодимлари эканлиги тўғрисидаги ҳужжатни қалбакилаштириб, банкка тақдим этиб пластик карталарни расмийлаштиради.

Эндигина 30 ёшга кирган бу йигитнинг қилмишлари текшириш жараёнида фож этилди.

Судда фуқаровий даъвогарлар Э.Юсуповга қонуний чора кўришни сўрашди.

Суд унга жазо тайинлашда етказилган зарар қопланганлигини инобатга олиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 400 баробари миқдо-рида жарима ҳамда иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда икки йил ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинлади.

Завқиддин ЯРАШЕВ,
жиноят ишлари бўйича Янгиҳаёт туман суди судьяси

Ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онадан бола туғилган тақдирда, оталик ота-онанинг биргаликдаги ФХДЁ органига берган аризаси асосида, агар ота ФХДЁ органига ариза бермаса, оталик онанинг аризасига асосан суд тартибида белгиланади.

Оталикни суд тартибида белгилаш ота-онанинг бирининг ёки боланинг васийси (ҳомийси)нинг ёхуд бола кимнинг қарамоғида бўлса, шу шахснинг аризасига, шунингдек, бола вояга етганидан кейин унинг ўзи берган аризага асосан ҳам амалга оширилади.

Шаръий никоҳдан ўтишнинг оқибатлари бошқа низоларни, хусусан алимент ундириш, баъзи ҳолларда эса мол-мулкни ундириш низоларини ҳам келтириб чиқаради.

Оталикни белгилаш бола таъминоти билан узвий боғлиқлиги учун бу тоифадаги ишлар судларда қисқа муддатларда кўриб чиқилади.

Оталикни белгилаш низоларини кўришда суд даъвогар ва жавобгарнинг бола туғилгунга қадар умумий рўзгор асосида оила юритган-юритмаганлигига, болани биргаликда тарбиялаганликларига, оталикни тан олганлигига, болага ва унинг онасига моддий ва маънавий ёрдам берилганлиги ва бошқа далиллар мавжудлигига ҳуқуқий баҳо бериб қонуний, асосли ва адолатли қарор чиқариши лозим.

Жавобгар оталикни тан олмаганлигида ва даъвони қаноатлантириш учун асослар етарли бўлмаганида одам ДНКси бўйича суд-биологик экспертизаси тайинлаш амалиётда кўп учрайди.

Оталикни белгилаш ҳақида даъво бериш ҳуқуқига эга шахс судга берган даъво аризасига боланинг оталиги белгиланмаганлигини тасдиқлайдиган туғилганлик гувоҳномаси нусхасини тақдим қилиши шарт.

ОИЛА кодексининг 13-моддасига кўра, никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади. Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлмайди.



Болангизга оталик қилинг!

Суднинг ҳал қилув қарори билан оталик белгиланганида қабул қилинган ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ФХДЁ бўлимига далолатнома ёзувига ўзгартириш киритиш учун юборилади. Ҳал қилув қарорига асосан ФХДЁ органи болага туғилганлик тўғрисида янги гувоҳнома беради.

Оталикни белгилаш ва алимент ундириш даъволари бўйича даъвогар давлат божидан озод қилинган. Бироқ, даъво қаноатлантирилса, давлат божи жавобгардан ундирилишини қонунчилик истисно қилмайди.

Шунингдек, оталикни белгилаш даъволари бўйича қонунчиликда даъво муддати қўлланмаслиги белгилаб

қўйилган. Яъни, даъвогарлар бу мазмундаги даъво билан исталган пайтда мурожаат қилишга ҳақли.

Боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган, лекин ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс вафот этган тақдирда унинг оталик факти суд томонидан белгиланиши мумкин.

Бундай ҳолатда судда иш даъво юритиш тартибида эмас, балки манфаатдор шахснинг аризасига асосан алоҳида иш юритиш, яъни юридик фактни белгилаш тартибида кўриб чиқилади.

Эркин УМУРЗАКОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Форш туман суди раиси

С.Раҳматова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) саккиз марта судланиб, хавfli рецидивист деб топилган. Ҳар гал унга жазо тайинлашда аёллиги, қарамоғида вояга етмаган фарзанди борлиги ҳисобга олинган. Бироқ у тавбасига таянмади. Эски ишини, яъни ўзгаларни алдаб, пулни олишни давом эттирди. У бу Ҳ.Рўзиевни чув туширди. Гап шундаки, мутахассислиги қурувчи бўлган бу инсон ўша кунлари таниши Х.Қодировга биронта қурилиш объекти топиб берса, ишини давом эттириши хусусида маслаҳат қилди.

“ОБЪЕКТ ОЛИБ БЕРАМАН...”

— Суриштириб кўраман, — деди Х.Қодиров.

Ўзаро гап-сўздан кўп ўтмай таниши уни бир аёл билан "Миробод деҳқон бозори" олдида учраштирди. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш керак. С.Раҳматова ўзини гоҳида "Гуля", "Диля" деб таништириб юрган. Ўша куни ҳам Ҳ.Рўзиевга ўзини "Диля" деб таништирган.

— Қурувчилик билан шуғулланаман, — деди Диля ўша куни ҳам. — Бир-иккита объект бор.

— Айтинг. Кичикроқ қурилиш объекти бўлса ҳам бўлаверади, — деди Ҳ.Рўзиев.

— Сизга айтсам, Ангрен шаҳридаги учта беш қаватли уйни капитал таъмирлаш керак. Хоҳласангиз ўша уйларни сизга қонуний йўл билан олиб беришим мумкин. Бунинг учун эса ҳужжатларни тўғрилаш керак. Ҳужжатларни тўплашга эса озроқ харажат кетади.

— Қанча кетади, — савол берди Ҳ.Рўзиев "халоскорига".

— Тахминан ўн бир миллион беш юз минг сўм кетади, — деди Диля олазарак бўлиб.

Орадан санокли кунлар ўтгач, Ҳ.Рўзиев Диляга кўнғироқ қилади.

— Пулни қаерга олиб борай?

— Олиб келишингиз шарт эмас, — деди телефонда Диля. — Бир танишимнинг пластик картаси рақамини айтаман. Шунга ташлайсиз.

Ҳ.Рўзиев тезроқ объектни олиб ишни бошласа бўлгани. Шу мақсадда Диля айтган пластик картага пулни ўтказди.

— Пул келиб тушди, — деди баланд овозда Диля. — Бир-икки кунда Ангренга олиб бориб, объектни кўрсатиб келаман.

Қурувчи билан "тадбиркор аёл" Ангрен шаҳрига бориб, айтилган манзилдаги уйларни кўришади. Таъ-



мирлаш учун кетадиган қурилиш материалларини ҳисоблаш учун уйларни, ҳатто суратга ҳам олишади. Улар Ангрендан қайтишгандан кейин Диля билан алоқа узилади. Ҳ.Рўзиевнинг кўнғироқлари жавобсиз қолади.

Шундан кейин Ҳ.Рўзиев тегишли жойга мурожаат қилади.

Суд С.Раҳматовга жазо тайинлашда айбига тўлиқ иқдорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, уч нафар фарзанди борлигини, етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини ҳисобга олди. Унга иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уч йил ахлоқ тузатиш жазоси тайинланди.

Сурайёхон ХОЖАМҚУЛОВА,
жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди судьяси

АДЛИЯ вазирлиги томонидан 2022 йилнинг 15 мартдан 15 майга қадар ўқайлаётган “Соғлиқни сақлаш ва таълим тизими ходимларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” ҳуқуқий акциясида Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ҳам фаол иштирок этмоқда.



Бир тумандаги 48 та ташкилотда 876 та қонунбузилиш ҳолати

Хусусан, адлия бошқармасига мазкур тизим ходимларидан келиб тушган 157 та мурожаатнинг 150 таси қаноатлантирилган, 7 та мурожаат эгасига ҳуқуқий тушунтириш берилган.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 335 та тақдимнома, судларга 52 та даъво аризаси ҳамда айбдор мансабдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича меҳнат органларига 124 та маъмурий тақлиф киритилди.

Жумладан, Сергели туманидаги 48 та таълим ва соғлиқни сақлаш ташкилотларида меҳнат қонунчилигига риоя этиш ҳолатлари ўрганилганда, 876 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Шунингдек, Меҳнат кодексининг 214-моддасига кўра, иш берувчи меҳнат шартномаси

тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик (иш давомида) вақти-вақти билан қуйидаги ходимларни тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил қилиш мажбуриятларини бажармаслик ҳолати юзасидан тумандаги 22 та мактабгача таълим ташкилотларига тақдимнома ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасига биноан Сергели туман Аҳоли бандлигида кўмаклашиш марказига 22 та маъмурий тақлиф киритилди.

Юнусобод туманида жойлашган туман тиббиёт бирлашмаси, мактабгача таълим бўлими ва халқ таълим бўлими ходимларига таътил пуллари тўланганлиги юзасидан ўрганиш ўтказилганда, мазкур ташкилотлар томонидан ходимларга меҳнат таътили пуллари Меҳнат кодексига бел-

гиланган муддатда тўлаб берилмаганлиги аниқланди ва мазкур ҳолат юзасидан ташкилотларга 12 та тақдимнома киритилди.

Шу билан бирга, тумандаги 7 та умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиларининг белгиланган устама пуллари тўлаб берилмаганлигидан норози бўлиб қилган мурожаати ҳам кўриб чиқилди ва ўқитувчиларга устамаларни қайта ҳисоб-китоб қилиш юзасидан тақдимнома киритилди.

Миробод тумани Халқ таълими бўлимида ўқитувчиларга устама тўлаш аҳволи сўров йўли билан ўрганилганда, устама ҳақлари тўланмаганлиги аниқланиб, фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судига 12 та даъво аризаси киритилди.

Бундан ташқари, Олмазор туман Халқ таълими бўлимида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 сентябрдаги “Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан ўтказилган ўрганиш натижасига кўра 30 нафар хотин-қизнинг тўланмай қолиб кетган меҳнат ҳақлари ундириб берилиши таъминланди.

Акция доирасида Учтепа туманида ўтказилган таҳлиллар натижасида 10 та тиббиёт ташкилотлари томонидан қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланган ва бундай ҳолатларни бартараф этишга оид 10 та тақдимнома ва 10 та маъмурий тақлиф киритилган.

Акция доирасида ўрганиш белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси юзасидан Яккасарой туманидаги таълим ва соғлиқни сақлаш ташкилотларида ўтказилган тадбирлар натижасида 456 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган. Шунга кўра, 19 та таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларига тақдимнома ҳамда иш берувчининг маъмурий ҳуқуқбузарлиги тўғрисидаги масаласини кўриб чиқиш учун туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига 19 та маъмурий тақлифлар киритилди.

**Мавлуда БОБОРАИМОВА,
Тошкент шаҳар адлия
бошқармаси масъул ходими**

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсига 2022/2023 ўқув йили учун (фуқаролик ишлари, жиноят ишлари, иқтисодий ва маъмурий ихтисосликлар бўйича) талабгорлар қабул қилинади.

Тайёрлаш курсига ўттиз тўрт ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга ва юридик ихтисослик бўйича камида етти йиллик иш стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинади.

Тайёрлаш курси бир йиллик ўқув дастури бўйича давлат грантлари асосида амалга оширилади.

Талабгорлар Олий мактабга бевосита ёки электрон шаклда (www.sudyalariolymaktabi.uz; www.sudya.uz) қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- тайёрлаш курси ихтисослиги номини кўрсатган ҳолда Олий мактаб директори номига ариза;
- талабгор томонидан шахсан тўлдирилган сўровнома ва таржимаи ҳол;
- Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан белгиланган намунадаги шахсий варақа (объективка) ва яқин қариндошлари (талабгор ва унинг турмуш ўртоғининг ота-онаси, ака-ука ва опа-сингиллари, шунингдек, талабгорнинг фарзандлари) тўғрисидаги маълумотнома, шу жумладан, электрон шаклда;
- олий юридик маълумот тўғрисидаги диплом (таълим йўналиши: юриспруденция; таълим шифри: 5240100 (ёки 5380100) ва унинг иловаси нусхалари;
- талабгорнинг паспорт ёки ID картаси нусхаси;
- меҳнат дафтарчаси нусхаси;
- 3.5 x 4.5 ҳажмдаги 6 дона рангли фотосурат;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклдаги одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган касалликлар ва жисмоний нуқсонлар йўқлиги ҳақидаги тиббий маълумотнома (086/1 шакл);
- психиатрия ва наркология муассасаларида ҳисобда турмаслиги тўғрисида маълумотнома;
- хорижий давлат фуқаролигини олманлиги ёки хорижий давлат ҳудудида доимий яшаш ҳуқуқини тасдиқловчи яшаш гувоҳномасига ёхуд бошқа ҳужжатга эга эмаслиги тўғрисидаги тилхат;
- охириги уч йил давомида бажарган ишлари тўғрисида иш жойидан маълумот-тавсифнома;
- иш жойидан тавсиянома;
- ўзи ва яқин қариндошларининг судланганлик ҳолати бўйича маълумотнома.

Талабгорлардан ҳужжатлар 2022 йилнинг 15 апрелидан 15 майга қадар қабул қилинади. Талабгорлар томонидан тақдим этиладиган тегишли ҳужжатлар намуналари www.sudyalariolymaktabi.uz сайтига жойлаштирилган.

Маълумот (998) 555-010-199
учун телефон:

Манзил: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй.

Қабул комиссияси

E'LONLAR

“VICTORY NUKUS” advokatlik firmasi advokati Allanzarov Timur Davletnazarovichning advokatlik maqomi advokatning advokatlik faoliyati bilan birga olib borib bo'lmaydigan doimiy lavozimga tayinlanishi munosabati bilan mazkur ish davriga Qoraqalpog'iston Respublikasi Adliya vazirligining 14.04.2022 yildagi 66-um-sonli buyrug'iga asosan advokat maqomi to'xtatildi.

Mirzo Ulug'bek tumani Kadastr bo'limi tomonidan fuqaro Anatoliy Simaginga tegishli M.Ulug'bek tumani “Salar bo'yi” tupik, Darhon-1, MSG 7/9 xonadonga berilgan kadastr hujjatlari yo'qolganligi sababli bekor qilinadi.

Инсон ва ҚОНУН

МУАССИСА:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

“Адолат” миллий ҳуқуқий
ахборот маркази нашри

info@adolatmarkazi.uz

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
рўйхатга олинган

ISSN 2010-7897



9 772010 789006

Бош
муҳаррир

Кўчқор
НОРҚОБИЛ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Икрамов Музаф Мубаракходжаевич
Тожиёв Фурқат Шомуродович
Юлдашева Шоҳидаҳон Руфатовна
Бахронов Шерзод Холмуродович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Тахририятга келган
кўлөзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.

Навбатчи
Гулбахор Ортиққўжаева

Саҳифаловчи-
дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси тахририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида “Business print” хусусий корхонаси босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Сўғалли ота, 5а-уй

Тиражи — 4000
Буюртма — Г-362

Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 17:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.
Чилонзор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нарҳда

1 2 3 4 5

ҚОЗИ Абу Бакр ибн Абдулбоқий Баззор Ансорий Бағдодийдан ривоят қилинади:
Мен Макка яқинида турар эдим. Бир кун жуда оч қолдим ва очликни кетказадиган ҳеч нарса тополмадим. Ипақдан тикилган ва попуги ҳам ипақдан бўлган бир ҳамён топиб олдим ва уни кўтариб уйимга йўл олдим. Уни очганимда ичида дурдан бўлган бир маржон бор экан. Мен олдин у каби маржонни сира кўрмаганман.

Дурли маржон қиссаси

Кўчага чиқсам, бир киши қўлида беш юз динор пулни кўтариб шундай деб жар соларди: “Ким менга ичида дури бор ҳамённи қайтарса, бу мукофот уники”. Ўзимга ўзим ичимда: “Мен муҳтожман, очман. Бу пулларни олиб фойдаланаман ва ҳамённи унга қайтараман”, дедим.

Унга: “Олдимга келинг”, дедим ва уни уйимга олиб бордим. У менга ҳамён, попуқ ва дурнинг белгилари, уларнинг сони ҳамда ҳамён нима билан боғланганини айтиб берди. Ҳамённи унга олиб чиқиб бердим. Шунда менга беш юз динор тутқазди. Лекин уни олмадим ва: “Ўзи мен уни сизга қайтаришим керак эди, унга энди мукофот олмаيمان”, дедим. У эса менинг берган нарсасини олишим кераклигини уқтирди. Унинг бир динорини ҳам олмадим. Кейин у ҳамённи олиб олдимдан чиқиб кетди.

Мен Маккадан чиқиб, кемага миндим. Кема ҳалокатга учраб, одамлар фарқ бўлди ва моллари ҳам чўкиб кетди. Мен эса кеманинг бир бўлагида омон қолдим. Бир муддат ден-

гизда юрдим, қаерга кетаётганимни билмасдим. Одамлар яшайдиган бир оролга тушдим ва масжидларнинг бирига кирдим. Қироат қилаётганимни эшитиб оролдаги барча одам олдимга келиб: “Менга Қуръон ўргатинг”, деди. Уларнинг орқасидан кўп мол орттирдим.

Кейин масжидга кирсам, Қуръон суралари ёзилган варақларни кўрдим. Уларни ўқий бошладим. Оролдагилар: “Ёзишни ҳам яхши ўзлаштирганмисиз?”, деб сўрашди. Ҳа, дейишим билан “Бизга ёзишни ўргатинг”, дейишди. Улар кичик ва ўрта ёшдаги болалари билан олдимга келишди. Уларга ёзишни ўргатар эдим. Бу сабабли ҳам мен анча-мунча бойликка эга бўлдим. Улар бир кун: “Ичимизда бир етим қиз бор ва унинг мол-дунёси ҳам бор. Биз сизни унга уйлантирмоқчимиз”, дейишди. Рад жавобини берсам ҳам, улар унга уйланишим лозимлигини айтишди. Кейин айтганларига рози бўлдим.

Тўй ўтгач у қизга қарай бошладим. Мен топиб олган маржоннинг

айни ўзини унинг бўйнида кўрдим. Ўша пайт мен маржонга қарашдан бошқа нарса қила олмасдим. Оролдагилар: “Шайх, маржонга бундай қараб етимнинг кўнглини синдириб қўйдингиз-ку. Нима учун унга бунча тикилиб қолдингиз?” деб сўрашди. Мен маржон қиссасини уларга айтиб бердим. Улар бор овозлари билан таҳлил ва такбир айтиб юборишди. Оролдагиларнинг барчасига овозлар етиб борди.

Улар айтишди: “Сиздан маржонни олган киши бу қизнинг отасидир. У тинмай: “Мен дунёда мана бу маржонни қайтарган кишидек мусулмон одамни кўрмадим”, деб ва шундай дуо қилар эди: “Аллоҳим, у ва менинг ўртамизни жамла, қизимга уни уйлантир”. Ҳозир ўша муддат келди ва ўша иш содир бўлди. Мен ундан икки фарзанд кўрдим. Кейин у вафот этди. Менга маржон ва икки ўғил мерос қолди. Сўнгра икки фарзанд ҳам вафот этди ва маржонга эга бўлдим. Уни юз минг динорга сотдим. Менда сизлар кўриб турган бу мол-мулк ўшанинг пулидан қолганидир”.

БИР олим шогирдига ўн йил таълим бериб тарбия қилди. Ўқши муддати тугагач, олим шогирдига қараб: “Эртасига яхши кийиниб, вақтлроқ ҳузуримга келинг. Сизга берадиган ҳадям бор”, деди.

Шарсақи



Эртасига ҳалиги шогирд айтилган вақтда чиройли либосларда устозининг ҳузурига келди. Устози унга “Олимлик муборак бўлсин!”, дея тўн кийдириб, фотиҳа берди. Яна қўлига китоб ва пул ҳам тутқазди. Сўнгра шогирдининг юзига тарсаки туширди.

Бу ҳолатдан шогирднинг жаҳли чиқиб: “Нега мени урасиз? Тўн кийдириб, дуо қилиб бу урганингиз нимаси?” деб ғазабланди. Устоз эса ҳеч нарса демади.

Орадан 20 йил ўтиб, бу шогирд шаҳарнинг бош қозиси бўлди. Кунлардан бир кун устоз ҳол-аҳвол сўраб, хабар олгани ҳалиги шогирдининг олдига келди. Шогирд устозини кутиб олиб, салом-алик қилди. Устоз эътибор бериб шогирдининг ҳаракатларини кузатиб турди. Шогирд гарчи суҳбатлашиб турса-да, ҳеч очилиб, яйраб ўтирмасди. Бироз вақтдан сўнг устоз кетар чоғида шогирд охири дилидагини тилига чиқарди:

— Устоз, ўшанда, сиз билан хайрлашаётганимда нега мени урдингиз? Мен нима айб қилганим?

— Тўн кийдириганим эсингдан чиқди-ми? Китоб, пул берганим-чи? Битта шапалоқни 20 йилдан буён унутмабсан-да? Мана қози бўлдинг. Сен ҳам ҳукм чиқаришда зулм қилма. Сен менинг оддий шапалоғимни 20 йил дилингда сақлабсан, сенинг зулм қилиб чиқарган ҳукмингни ўша одам ўлгунича дилида сақлаб, қарғаб ўтади. Мен кун келиб, сени мана шундай мартабага кўтарилишингни билардим. Бу ишни сенга ибрат бўлиши учун қилганим, — дея жавоб берди устоз.

АДЛ — (“адолат”, “тўғрилиқ”) инсон қалбининг энг нодир, энг муҳим тушунчаларидан биридир.

Адолат ва виждон



Адолат ва тўғрилиқ ҳар қандай шахсга нисбатан ахлоқий баҳолаш мезонлари ҳисобланади.

Муқаддас Қуръони каримда адолат — яхшилик учун ҳам, ёмонлик учун ҳам бирдай адолатли ҳукм чиқарувчи Аллоҳнинг сифатларидан бири деб келади.

Бироқ Аллоҳнинг адолати — инсон онги, тафаккури англаб етмайдиган даражадаги олий адолат. Шу туфайли инсон Аллоҳдан адолат қилишни эмас, раҳм-шафқат қилишни сўраб, илтижо қилиши лозим.

Инсонга нисбатан адолат — бу бировга нисбатан ёмонлик (жабр) қилиш нияти борлигини пайқаб олиш ва уни бартараф этиш имконияти, шунингдек, умумий маънодаги адолат тушунчаси ҳисобланади.

Машҳур олим, Ислоҳ дунёсининг буюк алломаларидан бири Ҳаззолий адолатни эҳсон (“чин кўнгиллилик”, “виждон”) тушунча-

си билан биргаликда қўлладики, булар “адолат ва виждон” маъносини англатади.

Давлат хизматидаги бирор мансабга даъвогар ёки бирон-бир муҳим жамоатчилик мажбуриятларини, чунончи: васийлик, вакиллик, гувоҳлик ва бошқаларни бажарувчи ҳар қандай шахсда адолат бўлиши шарт. Бировга жабр қилмаган, ғайриахлоқий (фиск, фужур) ҳаром йўлларга юрмаган ҳар қандай мусулмон одил, яъни адолати бор киши деб қаралади. Бу сифатларни йўқотганлар (фосиқлар) агарда солиҳ амаллар бажо келтириб, тавба қилсалар ва шундан сўнг ҳақиқий мусулмонга хос ҳаёт кечирсалар, адолатни тиклашлари, унга эришишлари мумкин. Акс ҳолда, пушаймонликка йўлиқишлари муқаррар.

Шунинг учун, АДОЛАТ ва ТЎҒРИЛИК ҳар қандай давр, ҳар бир ИНСОН учун оҳори тўқилмас улуғ тушунчадир...

ҲИКОЯТ

АБДУЛЛОҲ ибн Умар ал-Хаттоб ўз отасига айтган экан:

— Эй ота, оламдан ўтсанг, сени тезроқ иккинчи ё учинчи кечада тушимда кўришни истайман.

Орадан ўн икки йил ўтиб ҳам уни тушида кўрмабди. Ўн икки йилдан кейин тушига отаси кирибди. Тушида ўғли ундан сўрабди.

— Ота, сен менга уч кечадан кейин тушингга кирман, деган эдинг-ку?

Отаси жавоб берибди:

Наҳарвонда бир кўприк бузилган экан ва хизматчилар уни тўзатмаган эканлар. Қўйлар шу кўприкдан ўтаётган вақтда бир қўйнинг оёғи тешикка тушиб синибди. Ҳозиргача шунинг жавобини бердим.

НИЗОМУЛМУЛКнинг “Сиёсатнома” китобидан

“Судья маънавияти, одоби ва масъулияти” китобидан

